

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй муслима аёллар! Эй муслима аёллар! Ҳеч бир қўшни аёл қўшни аёлга қўйнинг туёғини ҳам арзимас санамасин», дедилар».

Шарҳ: Бунинг маъноси шуки, бир аёл қўлидаги куйган калла-почани «Шуни ҳам қўшнимга бериб ўтираманми?» демасин, бериш кўнглига тушибдими, шуни бўлса ҳам берсин, арзимас нарса деб санамасин.

Чунки шу тарзда давом этаверса, инсон бориб-бориб, арзийдиган нарсани ҳам бермайдиган бўлиб қолади. Натижада қўни-қўшнилари орасида меҳр-оқибат йўқолади. Ҳозирги кундаги каби, ҳар ким ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Ҳатто қўшниси вафот этиб қолса ҳам, билмай юраверади.

Ушбу маънодаги ҳадиси шарифлар айнан аёлларга қарата айтилгани катта ҳикматга моликдир. Одатда қўшнилари орасининг бузилиши кўпроқ аёллар ўртасидаги бир-бирини менсимаслик ҳолатларидан келиб чиқади.

Шундай экан, аёлларимиз бу ҳақиқатни тўлиқ тушуниб олишлари ва қўни-қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашда ихлос билан, фаол қатнашишлари лозим.

«Одоблар хазинаси» китобидан